



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 19 октябр, сешанба № 146 (793)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«Алпомиш» дostonининг 1000 йиллик юбилейи олдидан

АФСОНАВИЙ ҚАХРАМОН ЮРТИДА

ТЕРМИЗ. Тонгда ҳам, шомда ҳам бу ерда шовкин тинмайди. Шахарнинг энг марказида, Ҳаким ат-Термизий шох кўчасида бунёд этилаётган меъморий мажмуа қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ушбу ёдгорлик ўзбек халқининг миллий дostonи қахрамони - Алпомиш номи билан аталади.

Мажмуа шаҳар истироҳат боғи ёнида бунёд этилмоқда. Бир пайтлар ташландиқ жой ўрнида инсон кўли билан яратилган ажойиб кўл пайдо бўлди. Термизлик болалар ҳозирнинг ўзидаёқ бу кўлда чўзилмоқда, каттамаранларда сайр қилмоқда.

Улкан кўл атрофи ўн гектарлик боғ билан ўралган. Шарқ боғларида анъанага мувофиқ ётқизилган текис йўллар бўйлаб минглаб чинор ва тераклар, турли хил гуллар экилган. Бу ерда Сурхондарёнинг кўлай иклимига мослашган палма даракларини ҳам кўриш мумкин.

Боғда 15 та бир-бирига ўхшамайдиган фаввора бор. Кўл, фаввораларга салқин ва тоза сув булоқлардан узатилади. Саратоннинг энг жазирама пайтида ҳам бу ерда бемалол ором олиш мумкин.

Мажмуа таркибига очик теннис корти, учта ўйин майдончасидан иборат ёпиқ корт, икки минг томошбинга мў-

тинчлик тарафдори эканидан далolat беради.

Ушбу ажойиб композициянинг муаллифлари - тошкентлик меъмор Раҳматилла Салоҳиддинов ва бир гуруҳ ҳайкалтарошлар - Давлат муқофоти соҳибдори Анвар Раҳматуллаев, Қурбон Норхўрозов, Павел Подосинников, Улуғбек Мардиев ва Улаш Уроқовлардир. Уларнинг лойиҳаси мамлакатнинг энг сара расом ва ҳайкалтарошлари иштирок этган танловда энг яхши деб топилган.

Шундан кейин лозимки, меъмор ва ҳайкалтарошлар композицияни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Термиз республикамизнинг энг жанубида қалъа шаҳар эканини тасвирлаш лозимлиги ҳақидаги сўзларини эътиборга олганлар.

Тарихга мувожаъ этадиган бўлсак, Термиз ҳақиқатан ҳам ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг жанубий қисмидаги муҳим стратегик пункт, боғловчи востита бўлганини кўраемиз. Бухородан ўн кунлик йўлда жойлашган Термиз Фарв ва Шарқ, Шимол ва Жануб ўртасида маданият, илм-фан ва савдо алоқаларининг ривожланишида муҳим ўрин тутган. Арабистон ярим ороли, Африкага Хиттой шойиси ва мўйналар ортлган каровоил айнан Термиздан ўтган.

Сурхондарё замини - инсоният маданиятининг энг қадимий масканларидан бири.

Машҳур меъморчилик обидаларини эслайлик: Далварзинтепада «аср хазинаси» - ноёб олтин буюмлар солинган 32 килограммлик кўза, Холчаёнда қадимги тасвирлар, Қирқ қиз қалъаси қолдиқлари, қадимги Термиз ва Шерободдаги Термизий мақбаралари, Жарқўрғондаги ноёб минора... Буларнинг барчаси юқоридаги фикрни исботлайди.

Сурхондарё тупроғи ноёб ва серхосил. Термизда ҳали қиш тугамасидан туриб, баҳор дарақчиси бўлган бодом гуллайтиди.

Бу юрт иклими пахтанинг энг ноёб, илгичка талаи турларини етиштириш учун қулайдир. Бу табарруқ заминда дунёга машҳур олимлар, мутафаккирлар, шoir ва расомлар дунёга келган. «Алпомиш» дostonининг бир нусхасига қараганда, бу қаҳрамон Бойсунда тугилган (Ўзбек халқ оғзаки ижодида дostonнинг элликдан ортиқ нусхаси мавжуд).

Сурхондарёнинг ушбу жаннатмақом гўшасига қадан ранжидан қилган одам бу ерда бир кун давомида йилнинг тўрт фаслини кўриши мумкин. Оппоқ қор билан қопланган тоғ чўққилари, доимо кўк-кўк водийлар, боғлардаги қирмизи мевалар ва турли ра-

нгли гуллар унинг хотира-сида умрбод муҳрланиб қолади.

Бу ердаги халқ унармандлари маҳоратига ҳам қойил қолмайди. Дўппилардаги бетакрор нақшлар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Бу санъат онадан қизга, қиздан неварога мерос бўлиб ўтиб келган. Аёллар бу дўппиларнинг турли-туман рангларидан она юрт гўзаллигини муҳасаммаштиришга интилади.

Бойсунда бўлган ҳар бир инсон Алпомиш айнан шу ерда тугилганлигига шубҳа қилмайди... Яқинда дostonнинг 1000-йиллик тўйи нишонланади. Бу байрамда дипломатик корпус вакиллари, жаҳоннинг кўпбалли мамлакатларидан келган меҳмонлар, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари вакиллари, республикамизнинг энг машҳур созанда, хонанда ва рақосалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоғи учун кураш бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир қатнашчилари иштирок этади.

Кураш бўйича Президент кубоғи мусобақаси анъанавий тус олиб, ёшларни тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Демак, Ўзбекистоннинг спорт дунёсиданги нуфузи ошиб бормоқда.

Термизда бундай йирик анжуман илк бор ўтказилди.

Рустам ШАГАЕВ, ЎЗА махсус муҳбири

Пахтакорлар Ғалабаси

Хонқа


Хонқа тумани пахтакорлари Хоразм вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Қабул пунктларига 32 минг 700 тонна хомашё етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ўртача 29,4 центнер пахта олинди.

- Йилга йил ўхшамас, деган нақл бор, - деди туман ҳокими К. Ортиқов. - Бу йилги мавсумда ҳам об-ҳаво инжиқликларини енгишга тўғри келди. Пахтакорларимиз бой тажрибаларига, замонавий агротехника ютуқларига таяниб, мўл-ҳосил етиштирдилар. «Олтин соҳил», Ал Хоразмий номидаги, «Ғалаба», «Хоразм» ва «Ўзбекистон» ҳўжаликлари фақат туманда эмас, балки вилоятда ҳам шартнома мажбуриятларини биринчилар қаторида бажаргани тасодиф эмас. Ўнлаб бригадалар, юзлаб пудратчи оилавий звенолар ҳосилдорлики 45-50 центнерга етказди.

Иқтисодий омилларга зўр берилгани, иш ҳақининг вақтида тўлиниши ҳам режани уддалашда катта аҳамиятга эга бўлди. Уруғлик пахта қисқа муддатда тайёрланди. Ҳозир эса ҳосилни тўла йиғиб-териб олиш ниҳоясига етмоқда.

Кизилтепа

Кизилтепа туқорлари Навоий ринчи бўлиб риш режасини бул пунктларига тонна қимматли ашёси етказиб турга етди. Миришкорлар режага қўшимча яна 3 минг тонна ҳосил топшириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.



мани пахта-вилоятида би-рлаша топши-бажарди. Қа-27 минг 200 санаот хом берилди. Ўр-лик 27 цент-нерга етди. Миришкорлар режага қўшимча яна 3 минг тонна ҳосил топшириш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда.

Когон

Когон тумани миришкорлари давлатга пахта сотиш режасини бажарди. Қабул пунктларига 22 минг тоннадан зиёд юқори сифатли санаот хом ашёси етказиб берилди. Ўртача ҳосилдорлик 27 центнерни ташкил этди. Пахтакорлар ўз имкониятларини чамалаб мавсум охиригача яна 3 минг 260 тонна ҳосил топшириш учун астойдил бел боғладилар.

Бойсун

Асосан чорвачилик ва лалми ғаллачиликка ихтисослашган Бойсун туманида мана икки йилдирки, пахта ҳам етиштирилмоқда. Туман миришкорлари Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Қабул пунктларига 500 тоннадан кўпроқ ҳосил топширилди. Лалми ерларда ҳосилдорлик 10 центнерни, сугориладиган майдонларда эса 18 центнерни ташкил этди. Туманнинг «Сайроқ», «Работ»; «Ғайрат» ҳўжаликлари сугориладиган лалмикор ерларда пахта етиштириш мумкинлигини амалда исботламоқда.



ЭЛ ТИНЧЛИГИ БУЗИЛМАСИН

Кирғизистоннинг Боткен туманига бос-тириб кирган жангари тўдалар чекинган бўлса-да, бу худуддаги аҳоли ҳамон хавотирда. Зеро, безори тўдалар яна бос-тириб келмаслигига қафолат йўқ, ҳозирча.

- Мана икки ойдирки, ҳаловат нималигини билмаймиз, - дейди Боткен туманидаги Кан қишлоқ фуқароси Айбош Даминов. - Даладаги ҳосилмизни йиғиштириб улгурганимиз йўқ. Кузги дала ишлари ҳам оз эмас. Бирон-бир юмуш билан шуғулланишга юрагимиз дов бермайди. Хавотиримиз катта. Тинчлик-осойишталикнинг қадрига энди етганимиз. Дин никоби остида юртимизга бос-тириб кирганларнинг асл мақсади жаҳолат ва разолат эканлигини кеч бўлса-да, тушуниб етдик.

- Қишлоғимиз Боткен туманидаги Ғоз ва Сегмент қишлоқлари билан туташ, - дейди Фаргона вилоятининг Сўх туманидаги Хушёр қишлоқ фуқароси Амиралли Нуриддинов. - Ватанимиз сарҳадлари мустаҳкам бўлса-да, ён қўшнилариимиз ҳақид ва беҳаловатлигига, ташвишларига шерик бўлдиқ. Уларга қўлимиздан келган ёрдамни аямадик. Кўнгли сўраб турдик. Кирғизистон худудига бос-тириб кирган жангари тўдаларнинг асл мақсади нима эканлигини англаб етдик. Жаҳолат ботқоғига ботган бундай кимсалар ортдан энди ҳеч нима эргашмайди. Шундай бўлса-да, доимо оғоҳ бўлишимиз, хушёр туришимиз зарур.

(Ўза)

Пойтахтимиз кўрқига-кўрқ кўшиб турган гўзал қоналардан бири - Темурийлар тарихи давлат музейи очилганига уч йил тўлди. Ана шу қисқа вақт ичида бу кўтлуг даргоҳга қарийб ярим миллион томошабин ташриф буюриб, халқимиз тарихи, бой ўтмиши ва маданиятини яхши ҳақида хикоя қилувчи ноёб экспозициялар билан танишди.

НОЁБ ЭКСПОЗИЦИЯЛАР

Қошонадаги экспонатлар сони қарийб икки мингга етди. Бунда Ватанимиз равнақи, илм-фан ривожига, маънавиятимиз тикланишига бел боғлаган фидойиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Музейда ташкил этилаётган турли мавзулардаги кўргазмалар республикамиз аҳолиси ва хорижий меҳмонларни Ўзбекистон тарихи билан таништиришда катта аҳамият касб қилмоқда. Шу куни музей жамғармаси янада бойиди. Ҳамюртларимиз Саинов Султончилик қизи ва Ҳамида Жўраева кўп йиллардан бунён шахсий коллекциясида асраб-авайлаб келган талайгина қадимий уй-рўзгор жиҳозларини музейга топширди.

Тадбир қатнашчилари халқ қаҳрамони Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб ташкил этилган асарлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

Этмоқда. Ёшлар учун ҳақиқий тарбия ўчоғига айланиб бораётган музей залларида мавзули маърузалар ҳамда таниқли олим ва соҳа мутахассислари иштирокида очик дарслар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

Давлат музейи очилганининг уч йиллигига бағишланган тадбирда ана шу ҳақда гап

борди. Шу куни музей жамғармаси янада бойиди. Ҳамюртларимиз Саинов Султончилик қизи ва Ҳамида Жўраева кўп йиллардан бунён шахсий коллекциясида асраб-авайлаб келган талайгина қадимий уй-рўзгор жиҳозларини музейга топширди.

Тадбир қатнашчилари халқ қаҳрамони Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб ташкил этилган асарлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.



Қарши шаҳрида 90 ўринли «Қашқадарё соҳили» сяхаттоғи ишлаб турибди. Бу ерда дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Шунинг учун сяхаттоғга нафақат Қашқадарё вилоятидан балки Навоий, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларидан ҳам дам олувчилар келиб ўз саломатликларини тиклаб қайтишмоқда.

Суратларда: 1. Маънавият ва маърифат хонаси доимо дам олувчилар билан гавжум. 2. Физioterapia бўлими ҳамшираси Назирахон Қосимова.

Инсон номига иснод

акангизда қолди.

- Менга алоқадор қисми аллақачон хал бўлган. Энди Раъно опангизга учра...

- Шу тарзда учала фирибгар одамларнинг кўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, хар бир кишидан 10 минг сўмдан шилиб келишиди.

- Пахтаободлик жияним - Ишласам шу қўшма кор-

не оёқ кийимларини тўзтиди. Товламачиларга нима, уларга ишонган одам овора-ю сарсон бўлиб юрган бўлса-ўзига, қармоққа илгинган балиқнинг тақдирини нима бўларди.

Саломатнинг жияни Зухриддин анойилардан эмас экан. У пул аччиғи - жон аччиғи дегандай, у ер - бу ерга арз қилмоқчи эканлигини айтган эди, гуруҳ

Эртасига аъло кайфиятда Корейбон бўлиб келадики, дармо на Раъно опасидан дарак бор, на сафардан.

Товламачиларнинг хийлакорлигига таъриф йўқ: улар «ЎзДЭУ авто» кўшма корхонасига силлиқина ишга киришиб қўйиш имкониятини ҳақида мишмиш тарқатишга ҳам устаси фаранг эдилар. Бу миш-мишлар оғиздан-оғизга кўчиб, узок-узокларга ҳам етиб борарди.

Кунларнинг бирида Хушёр, Мухтасар ва Раънога излаб, Мухаррамхон Баротова келди.

- Ўзганликман. «ЎзДЭУ авто»да ишлаш ниятим бор эди.

- Яхши ният - ярим мол, сингилжон.

- Лекин мен Қирғизистон фуқаросиман-да. Ўзбекистон паспортини олиб бериш, сўнг Асакадаги бирор уйга хатлатиб қўйиш керак бўлармикан?

хонада ишлайман, бўлма-са ҳамманга текин товон бўлиб юравераман», - деяпти. Шундан бири эгани қилиб, «ЎзДЭУ авто»га жойлаштириб қўйилган, - илтимос қилди Саломат исмли аёл.

- Эвини қилинлар дейишнинг ўзи бўлмайди-да, сингилжон. Отанг бозор - онанг бозор, деб қўйилти.

Саломатнинг жияни 14 минг сўм санаб берди. Лекин «Пахтаобод-Асака» йўналишида катнавериби, йе-

аъзолари дарров дийдиёни ўзгартирдилар:

- Суюнин беринг, ука, эртага Корейга борадиган бўлдингиз. У ёқдан енгил машина бўйича уста бўлиб, бирорта машина миниб қайтасиз.

- Ростми шу гап?

- Вой, ростми деб ўтирмадсан тезроқ тайёрларингизни кўринг, йигитча.

Зухриддин Пахтаободга ўз терисига сизмағудай бўлиб борди. Уйларида табриқлар, зиёфат, ҳазил-мутойба, умид-орзулар...

АСАКАЛИК УЧ ТОВЛАМАЧИ

- Ҳамма мушкулотнинг калити - пул.

М.Баротова даста-даста пулни санаб бериб, улар қўлида ўйинчоққа айланиб қолди.

Таъмагирик кўчасида топилган уч товламачи фақат автокорхонага ишга жойлашмоқчи бўлганларни овлашган десак, уларни андак камситган бўлаемиз. Фуқаро Х.Абдувалиева устмонлардан арзонроқ уй топшида ёрдам беришни сўради.

- Мана шу уйни олақолинг. Сув текинга бераман. Менга одам керак, ўртқожон, - меҳрибонлик кўрсатди унга Мухтасар Ниёзохунова.

- Худо хайрингизни берсин. Узингиз-чи?

- Менга уй топиш бир зумлик иш - ҳокимликка кўнғирок қилсам бўлди, чангалда шўрва.

Абдувалиева қармоққа осонгина илдинди. Ҳамир учидан патир тарзда бир неча минг сўмини узатди. Табиийки, у кунда бўлмаса ҳам кун ора қачон қучасиз деб келиб туради. Мухтасарнинг оғиздан «эрта-индин»дан бошқа гап чикмайди. Шунда мижознинг тоқати тоқ бўлиб, масалани кўндаланг қўйди. Уй эгаси эса дарров турланади:

- Бундоқ қилайлик, ўртқожон. Мен қўч-қўч қилиб юр-

майн. Шу ҳафта ичيدا ҳокимликдан менга кўчирилган уйга сиз қўчи бора қолинг. Ишонмайласиз-а? Юринг, уйингизни кўрсатиб келаман. Мухтасар уни ҳали битмаган уйга бошлаб қориб, 16-хонасини кўрсатди.

- Жоннинг ҳузурини. Ўзим шу хонани сизга олиб бераман деб, озмунча жон кўйдирмадим. Биров шунчалик химмат кўрсатиб тургандан кейин пулнинг юзига қараб бўладими? Абдувалиева яна бир неча даста пулни Мухтасарнинг қўнтакига солиб қўйди.

Уй бериб, хоналар тақсимлангандан кейингина Абдувалиеванинг кўзи мошдек очилди. Аммо ўғрилиқ, товламачиликнинг умри қисқа. ...М.Ниёзохунова, Х.Тўланов, Р.Мирзаматовалар жавобгарликка тортилдилар. Қора курсида ўтириб, қилишларини учун жавоб бердилар. Шунга бўлса майли эди-я, энг ёмони эл-махалла олдидан назардан қориб, кўпчилик ҳазар қиладиган, нафратланадиган, давра ва гап-гаштакка қўшилимайдиган бўлдилар.

Мухаммаджон АБДУКАРИМОВ, Андижон.

Касаба уюшмаларида ҳисобот - сайлов конференциялари

Ромитан туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси туман ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган битим асосида иш олиб бориб, ҳудудда соҳа меҳнаткашлари куч-ғайратини ислохот талабларидан келиб чиқадиган муҳим вазифаларга сафарбар этишда ташкилотчилик ролини ўтамоқда. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда илгорлар, фаоллар тажрибаларига таяниб иш кўраётир. Касаба уюшмалари ҳаётида юз бераётган жараёнлар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли ҳулосалар чиқарилапти, муҳим йўналишлар, вазифалар белгилаб олинаётир. Муваффақиятларга эришишда айниқса, меҳнат беллашувларининг тутган ўрни салмоқли бўлмоқда. Голибларга эсдалик совғалари, санаторий, дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилляпти. Илгорлар тажрибаси «Ромитаннома» ва «Соликчи» газеталарида чоп этилмоқда. Лекин, афсуски, бу борадаги ташкилий ишлар жойлардаги бошлангич касаба уюшма кўмиталарида етарли даражада ўз ижросини топаётир, деб бўлмайти.

«Янгиобод» жамоа ҳўжаликларини мисол қилиб келтириш мумкин: Кўпгина жамоа ҳўжаликларининг боғча-яслиларида ҳижозлар етарли эмас, улар озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланмаган. Утказилаётган машғулотлар савияси талаблардан орқада қолмоқда. Шунингдек, қишлоқ

ахтиёжманд қатламига 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Аммо шифохоналарда дори-дармонларнинг етарли эмаслиги, фуқароларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказилаётганлиги каби камчиликлардан кўз юмиб бўлмайти. Шунингдек, маърузачи ва сўзга чиққан нотиклар

лар ташланса, буларга ишлаб чиқаришда хавфсизлик техникаси тартиб-қоидаларига риоя этилмаётганлигини, мухтассислар ишчи-хизматчилар ўртасида хавфсизлик техникасига тегишли йўриқномаларни етарлича тушунтирмаётганликлари ва бу борада ўқувлар ташкил этиш, вақти-вақти билан ишловчиларнинг билимларини назорат қилиб туриш, машина-механизмларни кўриқдан ўтказиш сингари муҳим тадбирлар ўз вақтида адо этилмаётганлигини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Энг таъвишли жиҳати шундаки, айрим бахтсиз ҳодисаларни жамоатчилик назаридан яширишга уришишлар бўляпти. Баъзан жараҳатланиб, ногирон бўлиб қолганларга нафақалар расмийлаштиришда, уларни тўлашда сансалорликларга йўл қўйлаётгани билан эса келиши бўлмайти.

ОЗАРБОЙЖОН КИНОСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентда Озарбойжон кино усталари яратган асарлар намоишига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Мазкур тадбирнинг айна кунларда ўтказилиши беҳиз эмас, - деди Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков маросимда. Чунки, 18 октябрь куни Озарбойжон Республикасининг мустақиллик кунидир. Бу эса, қадим-қадимдан байрамлари биргаликда ўтказиб келаётган икки қардош халқни бир-бирига яна ҳам яқинлаштиради. Озарбойжон киноҳафталигида пойтахт аҳли эътиборига 4 та бадий ҳамда 3 та ҳужжатли фильм ҳавола этилади.

ТАЛАБАЛАР ГАЗЕТАСИ

Андижон вилоятида «Талабалик йиллари» газетасини нашр этиш йўлга қўйилди. Андижон муҳандислик-иқтисодий институт ва шу институт ҳузурда ташкил этилган «Ёшлар тараққиёти» илмий-маърифий марказ янги нашрининг муассисларидир.

Талабалар ва умуман ёшлар учун мўлжалланган янги газета уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, илгор дунёқарашни шакллантиришда ва ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришда ёрдам бериши, ўқиш, турмуш ва ёшлар бўш вақтини унумли ташкил этиш борасидаги янгиликлар билан таништириб бориши лозим.

ИНСОН БАХТ УЧУН ЯРАЛГАН

Маълумки, инсон бир умр бахт ва эзгулик сари интилади. Унинг ҳаётдан кўнгли тўлиб яшаши, иқтидори ва лаёқатини тўла намоён этиши ижтимоий, иқтисодий омиллалар бевосита боғлиқ, албатта. Зотан эгдандирноқни ажратиб бўлмаганидек, шахс ва жамият манфаатлари ҳам мантқан бир-бирига ўзаро уйғундир. Шу боисдан ҳам касаба уюшма кўмиталарининг асосий вазифаларидан бири меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари учун маданий-маиший шароитларни яратиб беришдан иборатдир. Ромитан туман тармоқ касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот сайлов конференциясида маъруза қилган касабақўм раиси Саломат Комилова ана шу нукталарга ургу берди. — Ҳозирги кунда дала

меҳнаткашларига савдо, маиший хизмат кўрсатиш кўллари ҳам эҳтиёжлар даражасида, деб бўлмайти. Айрим савдо дўконларида белгилаб қўйилган 8 турдаги маҳсулотларнинг йўқлиги ҳеч кимни ташвиш солмапти. Борларининг эса нархи ҳар хил. Ҳисобот даврида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи бир мунча яхшиланди. Жумладан, «Халқобод», «Ромитан», «Нурафшон», «Калайчорбоғ» жамоа ва ширкат ҳўжаликлари, «Машина-трактор саройи» ҳиссадорлик жамияти, бош пиллаҳона, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси каби корхона ва ташкилотлар ўз аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқларини тиклаш дастурларини ишлаб чиққанлар. Шуларга асосан ўтган беш йил давомида фақат ҳўжалик ташкилотлари ҳисобидан аҳолининг ночор,

тида ишлайдиган ишчиларнинг жамоа шартномаларида кўрсатилган шартларга асосан иш ҳақлари 10-15 фоизгача кўшимча ҳақ ва кўшимча меҳнат таштиллари берилляпти. Маълумки, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишловчилар учун барча шароитлар яратиб берилиши зарур. Афсуски, ҳисобот даврида ишлаб чиқариш жараёнида 5 та бахтсиз ҳодиса рўй бериб, шундан 2 таси ўлим тугади. Ушбу бахтсиз ҳодисалар натижасида ногирон бўлиб қолган фуқароларга жамоа ҳўжаликлари томонидан бир йўла тўланадиган бир йиллик зарар миқдори касаба уюшма ходимлари аралашувида сўнггина ундириб берилди. Бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш негизига на-

Музокорада сўзга чиққан нотиклардан «Калайчорбоғ» жамоа ҳўжалиги, «Халқобод» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмиталари раислари Исмат Гафуров, Маҳмуд Жўраев, «Зарафшон» жамоа ҳўжалиги хотин-қизлар кенгаши раҳбари Ойгул Тошева, туман деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси касабақўми раиси Исмоил Мавлонов ва бошқалар асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликларни тақрорлашлик, инсон омилига янада кенгроқ аҳамият бериш, ечимини қутаётган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилиш каби масалаларга қаратдилар. Меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашнинг бош воситаси бўлган жамоа шартномаларининг ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Абдунаби МАННОПОВ, Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбирлари.

Яхшилар бор бўлсин!

Ҳаёт бир маромда давом этаверади. Биз ташвишларимиз, ўз ўй-хаёлларимизнинг рўёбга чиқиши учун кўпроқ тер тўкамаиз, еламаиз, югурмаиз. Бирок, ҳаётда ёрдамга, мададга, меҳрга муҳтож; бир оғиз ширин сўзга зор инсонлар ҳам борлигини баъзан унутиб қўямаиз. Кўчада кетаётган йўл чеккасида тиланчилик қилаётган одамга арзимас садақа берамиз-да, гўё шу билан бурчимни бажардим, деб ўйлаймиз. Аммо, орамизда шундай инсонлар борки, ўзини эмас, хамиша ўзгаларни ўйлайди. Халқига, саховатга ташна инсонларга ёрдами тегади. Мақоламиз қахрамони Зухра опа ана шундай меҳридорё инсонлардан. Чунки унинг ўзи меҳрга, ёрдамга муҳтож бўлса-да, доим ўзгалар оғирини енгил қилиш, ўқсик дилларга малҳам бўлиш пайида.

Яккасарой туманида жойлашган «Паризод» масъулияти чекланган тижувчилик корхонасида мадлага оширишди. Натижада моҳир чевар бўлиб олишди. Ҳозир улар тақияётган аёллар кўйлаклари-ю халатларининг бозори чаққон. Шунинг билан «Интиланга толе ёр» деб, — Зухра опа, ишдан бўш вақтларингизда шеър ёзар экансиз, кўшиқ айтар экансиз. Шу ҳақда икки оғиз сўзлаб берсангиз. — Аввало, кўшиқ айтмайман, хиргойи қиламан. Шеър ёзишимга келсақ, улар ҳам оддий машқлар, холос. Юқорида айтганимдек, кўп йиллар юролмай тўшақда ётаве-

Назаримда, айримлар байрамларда ногиронларга оғина пул ёки совға беришни ёрдам деб тушунадилар. Бу нотўғри фикр. Ногиронга кўмак беришни хоҳласангиз, уларга касб ўргатинг, иш билан таъминланг, ўқитинг, даволанг. Ана шунда сиз эзгуликка қўл урган бўласиз. Шу мақсадда мен ёш ногирон ўсмирларни ҳам даволайдиган, ҳам уларга санъат сирларини ўргатадиган марказ очиниш ният қилгандим. Аввало, яна хомийларга, саховатли инсонларга раҳмат. Натижада, «Азизим» деб номланган ногирон болаларни даволайдиган маданият маркази ташкил қилинди. Бу ерда кунига 6 нафар ўсмир даволашни, 15 нафар ўсмир эса ҳайкалтарошлик, расомлик санъати сирларини ўрганиши мумкин. Ажабмас, келажакда ана шу болалар орасидан ҳам машҳур арбоблар, етук олимлар етишиб чиқса.

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси, Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабий институтининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда мазкур Қонуннинг қабул қилинганлиги мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий ҳаётида улкан воқеа бўлгани таъкидланди. Беш қомус — Конституцияда Ўзбек тили Давлат тили деб муҳрланди. Утган давр мобайнида тил ва адабий институти олимлари томонидан фаннинг турли соҳаларига доир йигирмадан кўпроқ икки тили ва терминологик лугатлар нашр этилди. Ўзбек тили, нутқ маданияти ва терминология масалаларини акс эттирувчи ўн бешдан кўпроқ дарслик ва ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир.

Шу сабабли З.Раҳматуллаева жорий йилнинг баҳорида ногирон аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Яккасарой тумани ҳудудида тижувчиликка ихтисослашган «Азизим» шўба корхонасини ташкил қилган эди. 30 нафар аёлни ўз бағрига олган мазкур корхона фаолият бошлаганига ҳам ярим йилдан ошди. Шу қисқа вақт ичида тижувчи аёллар ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатдилар. Чунки корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифати ва замон талабларига мос келаятганлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Очингани айтганда, бу муваффақиятлар замирида машаққатли меҳнат ва «Азизим» жамоасининг раҳбаридан то оддий хизматчининг ижодий изланиши ётади, албатта. Бошда ушбу корхонанинг фаолият юритиб кетишига шубҳа билан қаровчилар ҳам бўлди. Лекин, Зухра опанинг жонқуярлиги бесамар кетмади. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида эса яна унинг ташаббуси билан ногирон болаларни даволайдиган марказ ташкил этилди.

Ҳозирданок қувончли хабарни айтишим мумкинки, «Шарқ-шаббода» акциядорлик жамияти бюромта берган 1000 та махсус эркаклар кийими тикиб бўлиди. Дастлабки 2,5 миллион сўм корхонамиз ҳисобидан айтишим мумкинки, «Шарқ-шаббода» акциядорлик жамияти бюромта берган 1000 та махсус эркаклар кийими тикиб бўлиди. Дастлабки 2,5 миллион сўм корхонамиз ҳисобидан

Орауларингиз. Орауим ҳеч ким ногирон бўлиб қолмасин. XXI асрда ер юзюнда, хусусан, Ўзбекистонимизда биронга ҳам ногирон бўлмасин. Бунинг учун ҳар бир эркакга аёл ўзини зарарли ишлардан тийиши лозим. Ниятим юртимиз осмонни мусалфаф, ҳар бир оилада тотувлик бўлсин.



Данагидан мағзи ширин...

«АЗИЗИМ» – НОГИРОНЛАР МАДАДКОРИ

ўз касбини севаман. Бирок тақдирда бор экан, ма-на 10 йилдирки, ногиронлик қисмати мени тарк этгани йўқ. 1989 йилда оёғим қаттиқ оғриди-ю, юролмай ётиб қолдим. Ишонасизми, 8 йил тўшаққа миҳлангандай ётиш жуда азоб экан. Бир неча шифокорлар жарроҳлик йўли билан даволамоқчи бўлишди-ю, натижаси кўн-гилдагидек чиқмади. Яратганга шукрки, 2 йилдан бери кўлтиктаёқ билан юрялман. Шу ўринда тан олиш керакки, бу тоифа инсонларга доимо кўмак ва ёрдам зарурлигини энди-гина чуқур англаб етдим. Менда ногирон аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмак бериш истаги туғилди-ю, жорий йилда «Азизим» «Азизим»ни очишда хомийлик қилиб яқиндан ёрдам берган Тошкент шахар

риш жонимга теғди. Аввало, рота тушқунликка тушганман. «Умрбод юролмай қолсам, нима бўлади, кимга дардимсар бўламан?» дея эзилдим. Ўйлаб қарасам, бейфойда. Ана шунда шеърлар ёза бошладим. Айримлари ҳар қалай матбуотда эълон қилинди. Лекин, айтиб қўяй, асло шоирликка даъво қилмайман. — Зухра опа, шунча ишингиз кўп бўлишига қарамай, ногирон болаларни даволайдиган марказ ҳам очибсиз. — Ҳадиси Шарифда «Жаннатнинг қалити мискин, фақирларни севишдир!» дейилади. Бу жикматни ҳамма ҳам бирдек тушунавермайти. Гапнинг индаллосини айтганда, ҳам-май айримлар ногиронга менсимай қарайдилар. Билмайдиларки, бу тоифа инсонлар Аллоҳнинг суйган бандалари бўлиб, булар орасида саложиятли, зеҳни ўткир инсонлар бор.

Мен ишонманки, орамизда қалби пок, саховатпеша инсонлар, тўғрироғи, раҳбарлар, сармождорлар кўп. Агар улар ўз корхоналарида, маҳаллаларида яшаётган ночор кимсаларга эътибор бериб, доим ёрдам берсалар, энг катта савобга шерик бўладилар. Инсон ҳаётини донишмандлар кўшиққа қиёслайдилар. Кимки умрини З.Раҳматуллаева сингари фақат эзгуликка бахшида этар экан, унинг босиб ўтган йўли энг яхши кўшиққа ўхшайди.

Фаргона шахридаги «Истиқлол» теннис мажмуида теннис бўйича ўтказилган «Истиқбол» халқаро турнири ниҳоясига етди. Қарийб бир ҳафта давом этган мусобақада йигирмага яқин мамлакатдан 40 нафардан зиёд истеъдодли теннисчилар голиблик

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мусобақанинг якка баҳсида белоруссиялик Александр Швец голиблик шохсупасига қўтарилган бўлса, юфтликлар баҳсида исроиллик Лиор Дахан ва бельгиялик Крис Туссенга тенг келадигани топилмади.

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Хитойнинг Шеньянь шахрида шахмат бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди, унда 24 мамлакат вакиллари иштирок этди. Турнир швейцарияча тизимда тўққиз даврада ўтди. Ўзбекистон командаси 23 хол тушлаб, чемпионат голиби бўлди, ўзбекистонлик беш гротсмейстр - Александр Ненашев, Саидали Йўлдошев, Тохир Вохидов, Марат Жумоев ва Дмитрий Каюмов Осиё чемпионати унвонини олишга муваффақ бўлди. Бу шахматчиларимизнинг Осиё чемпионатидаги дастлабки катта ютуғидир, - деди Ўзбекистон шахмат федерациясининг бош котиби Ирина Каюмова. Шахматчиларимиз 1993 йилда иккинчи ўринни олишган эди. 1995 йилги Осиё чемпионатида эса қумуш медални қўлга киритди. Осиё чемпионатида учинчи бор иштирок этиш Ўзбекистон спортчилари учун бахт келтирди: спортчиларимиз тўққиз учрашувдан олтигасида голиб бўлдилар, иккитасини дуранг ва бир ўйин бой берилди. Биринчи тахтада Ўзбекистоннинг бу йилги чемпиони Александр Ненашев зўр маҳорат кўрсатди. Шахматчиларимиз олтин медал ва чемпионлик унвонидан ташқари 2001 йилда бўладиган жаҳон чемпионатида Осиё вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Филиппин, Ҳиндистон ва Қозоғистон командалари 22,5 тадан хол тўлдилар. Хитойлик шахматчилар эса бешинчи ўринни эгаллашди.

Бошқалар қатори мактабда, сўнгра Тошке-

Ақбар Йўлдошев.

«Президент соврини» учун ўтказиладиган II Халқаро турнир олдидан

ЎЗБЕК КУРАШИ

Ўзбек миллий курашининг неча минг йиллик тарихи саҳифаларига 1998 йилнинг 6-сентябри зарҳал харфлар ила оламшумул воқеа сифатида битилди. Шу кунги жаҳондаги ўттизга яқин мамлакатлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган таъсис Конгрессида Халқаро «Кураш» Ассоциацияси тузилганлиги миллий курашимизнинг жаҳон майдонига чиққанлигининг эътирофи бўлди. Зеро, қадриятларимиз мардлик, тантлилик, орият, ватанпарварлик каби олийжаноб сифатларни ўзида мужассам этган ўзбек курашининг дунёга юз тутиши, жаҳон спорт оламида ўзгача обрў-эътибор касб этиши - бу ота-боболаримизнинг азалий орузи эди.

дир. Халқаро «Кураш» Ассоциацияси томонидан тузилган қоидаларга асосан мусобақаларда курашчиларнинг тан жароҳати етказишга олиб келувчи ҳаракатлари - рақибни боши билан улоқтириш, йиқилган рақиб устига йиқилиш, рақибни қўл ёки оёқ билан уриш, тирнаш ва тишлаш, рақиб бармоқларидан ушлаб усул қўллаш, рақибни туртиб четга чиқариш, чил солиш кабилар таъқиқланади.

Дарҳақиқат, кураш XXI аср спорти дея беқорга эътироф этилмади. Қисқа вақт мобайнида ўнлаб мамлакатларда кураш бўйича миллий федерациялар бежизга тузилмади. Зотан, унинг инсонийликдан сув ичган илдиэлари азим ва бақувватдир. Зотан, кураш тушмоқ учун белида белбоғи, билагада кучи, қалбида гурури борлар майдонга чиқади. Алпомиллар, Гурўғлилар, Паҳлавон Маҳмудлар Ватан, юрт ори учун бел олишганлар бу майдонда. Бунда фирромликка йўл кўйилмайди. Тантлилик ва мардлик олқишланади бунда. Ҳа, ўзбек кураши минг йиллар мобайнида ана шундай шакланган, сайқал тонган. Бинобарин, унинг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади.

ларимиз учун темир қонун бўлиб хизмат қилган. Эрамиздан аввалги III-IV асрларда Урта Осиёда жисмоний тарбия маданияти кенг ривожланган. Янги бинолар, шаҳарлар куриш олдидан турли спорт беллашувлари қатори кураш мусобақалари ҳам ўтказилган. Энг асосийси, ўзининг қатъий қонун-қоидаларига эга бўлган маъмур мусобақаларда ҳалоллик етакчи мезон бўлган. Фирромлик қилган, тақиқланган усуллари кўллаган курашчи мағлуб хисобланиб, мусобақадан чиқариб юборилган.

Буёқ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино эса ўзининг машҳур «Тиб қонунлари» асариде кураш турлари ҳақида шундай фикр билдиради: «Кураш ҳар хил турлардан иборат. Шулардан биттаси икки эркак бир-бирининг белбоғларини ушлаб ўзига тортади ва ҳар бири ўз рақибидан кутулишга интилади, ҳаракат қилади. Лекин бири иккинчисини кўйиб юбормайди. Иккинчиси, икки эркакдан бири иккала қўли билан бошқасини кучоқлайди. Бунда у рақибининг ўнг қўли тағидан чап қўлини ўтказди. Кейин рақибини ўзига тортади ва айлантиради. Курашининг яна бир бошқача тури бир-бирига оёқ солиш, чалиш, оёқ билан рақибининг оёғига тепиб йиқитишидир».


Буёқ бобомиз ёзиб қолдирган бу кураш усуллари, қоидалари, ҳақиқатдан ҳам ўзининг чин маънодаги миллий курашимизнинг асоси-

Ха, бугун ҳамма курашларнинг отаси ўзбек миллий кураши эканлигини бутун дунё тан олмоқда. Ваҳоланки каратэ, дзюдо, ушу, кунфу, эркин кураш каби кураш турлари кўп. Лекин ўзбек кураши битта, ягона! Ваҳоланки, японлар дзюдони халқаро майдонга олиб чиқиш учун 50 йил ҳаракат қилишганди. Сумо миллий курашининг жаҳон саҳнасига олиб чиқишга эса 20 йилдан буён уринишмоқда. Шукурким, миллий курашимиз истиқлолнинг 7 йилида дунё юзини кўрди. Бугун жаҳон ареналаридан миллий кураш қоидаларидаги «таъзим», «кураш», «халол», «ёнбош», «чала», «танбеҳ», «дақиқ», «фирром», «беқор», «тенг», «вақт» каби ўзбекча иқтибослар янграмоқда. Ҳазрати Алининг майдониде юртимиз оригурури, Ватанимиз шоншавкати учун Алломшидек алпларимиз олишмоқдалар. Бизнинг қалбимизни гурур ва ифтихорга тулдирган энг муҳим жиҳати - ўзбек атамалари ва байроғимиз тимсолидаги кураш кийими ҳамда жаҳон спорт турлари асосида тузилган қонун қоидалари мусобақалар қайси юрда ўтказилмасин, қўлланилверадиди.

Хақберди НОРБОВЕВ, долов.



Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ворислар бўлиб етишлари учун алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Бу муҳим ишга Қашқадарё вилоятида ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Сентябрь ойида Қарши шаҳрида иш бошлаган 750 ўринли



касб-хунар коллежи эндиликда курилиш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу коллежда ёшларнинг ЭХМ оператори, хисобчи, кран - ҳайдовчиси, пайвандчи, безакчи касбларини эгаллашлари учун барча шароитлар бор. Ўқув хоналари замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган. Суратда: 1. I курс талабаси Азизахон Мустафоева. 2. Коллеж кўриниши.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Шеърият мулкининг султони — Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек, «Тилга эътибор — элга эътибор!» Тил ҳақидаги қонуннинг 9-молдасида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади», дейилган. 10-молдасида эса «Корхоналар, муассасалар, ташкилот ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида олиб борилади», деган қайдлар бор. Лекин буларнинг амалдаги ижроси қандай бўлапти? Афсуски барча ерда иш бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Масалан, Марказий банкнинг кўпчилик вилоятлар, туманлар ва Тошкент шаҳар банклариде ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосан рус тилида олиб боришмоқда. Фуқаролардан қабул қилинаётган пул жамғармаларини қўйиш бўлимларида ҳам шу манзарани кўриш мумкин. Ҳатто шар

Хар тўғрида АУКСИН ҲОСИЯТИ Кунгабоқар ўз «жамоли»ни доим офтобга қаратиб ўсади. Хўш бунинг боиси нимада экан? Одамлар бу ходисанинг сабабини жуда қадимданок билишади. Ўсимликларнинг соядаги томони билан қуёш нури тушиб турган томонининг ўсиши бир хил бўлмайди, соя томони тезроқ ўсади. Мана шу икки томон ўртасидаги номувофиқлик ўсимликни қуёшга қараб «эгилишига мажбур» этади. У ўсимликнинг муҳитга мослашишидир. Лекин ана шу мослашишнинг туб моҳияти масаласи олимларга узок вақтгача қоронғу бўлиб келган. Олимлар ўсимликнинг қуёш томонига эгилишига унинг учидеги махсус бир модда сабабчи эканлигини аниқлашади. Олимлар бу сирли моддани ўсимликлардан ажратиб олдилар. Ўсимлик ҳужайралари ишлаб чиқарадиган бу моддага «ауксин» деб ном бердилар. Ауксин - грекча «аусано» сўзидан олинган бўлиб, «катта қиламан», «ўстираман» деган маънони билдиради. Қуёш нури таъсирида ауксин моддаси ўсимликнинг соя томонига қўчиб, шу томонни тезроқ ўстирар экан. Натижада ўсимлик қуёшга томон эгиларкан.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ Сизларни Республикаимизнинг ноёб табиий иқлим омиллари, маъданли сувлари ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ва курорт муассасаларига даволаниш ва дам олишга таклиф қилади. Қорақалпоғистон Республикасида: «Гулпаршин» санаторийсига (юрак ва қон-томир, асаб, овқат ҳазм қилиш ва ҳаракат-таянч аъзолари касалликлари). Тошкент шаҳрида: «Турон» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари). «Чинобод» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик ва андрологик касалликлари). Махсус йўлланмалар бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин. Тошкент вилоятида: «Ботаника» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб касалликлари). Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин. «Бўстон» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари). «8-март» санаторийсига (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлиқ билан оғриган эр-хотин даволанади). «Оқ-Тош» санаторийсига (нафас аъзолари ва урологик касалликлари). Андижон вилоятида: «Марҳамат» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва сурункали тери касалликлари). Бухоро шаҳрида: «Ситораи Мохи Хосса» санаторийсига (бўйрак ва урологик касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч ҳаракат аъзолари касалликлари). Қашқадарё вилоятида: «Қашқадарё соҳили» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва урологик касалликлари). «Мироқи» санаторийсига (нафас олиш аъзолари ва асаб системаси касалликлари). Наманган вилоятида: «Чартоқ» санаторийсига (таянч-ҳаракат, юрак, қон-томир, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари). Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин. «Косонсой» санаторийсига (ҳаракат-таянч, асаб, қон-томир ва юрак, нафас, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари). «Ниҳол» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари, таянч-ҳаракат, асаб системаси, эндокринология ва урологик касалликлари). Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин. Самарқанд вилоятида: «Абу Али Ибн Сино» санаторийсига (таянч-ҳаракат аъзолари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касалликлари). Фарғона вилоятида: «Чимён» санаторийсига (қон-томир, юрак, таянч-ҳаракат, асаб системаси, гинекологик, урологик ва андрологик касалликлари). Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин. Даволаш муддати - 18 кун. Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир! Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нарҳида соғилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24 - уй. Мурожат учун телефонлар: 56-85-68, 56-73-56, 56-78-15, 56-70-97.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайвати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босялди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотулда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 21.20